

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ
УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Кимё – технология факультети
“Умумий кимё” кафедраси**

Холиллаев Мурод Мухаммадшарипович

Битирув малакавий иш

**Мавзу: Мис(II)-пальмитатнинг карбамид, тиокарбамид ва
нитрокарбамид билан комплекс бирикмалари**

**Илмий рахбар:
Кафедра мудири:**

**к.ф.н. Азизжанов Х.М..
доц. Эшчанов Э.У.**

Урганч .

МУНДАРИЖА

Кириш

I. Адабиётлар шарҳи

- 1.1. Мис ва унинг координацион бирикмалари
- 1.2. Карбамиднинг координацион бирикмалари
- 1.3. Тиокарбамиднинг координацион бирикмалари
- 1.4. Металл карбоксилатларининг амидлар билан координацион бирикмалари

II. Тажриба қисми

- 2.1. Фойдаланилган реактивлар, ускуналар ва таҳлил усуллари
- 2.2. Мис(II)-пальмитат синтези
- 2.3. Мис(II)-пальмитатнинг амидлар билан координацион бирикмалари синтези

III. Олинган бирикмаларнинг физик – кимёвий таҳлили

- 3.1. Олинган моддаларнинг термик таҳлили
- 3.2. Олинган моддаларнинг квант-кимёвий таҳлили

Хулосалар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Хозирги кунда замонавий кимёнинг долзарб муаммоларидан бири халқ хўжалигида ишлатиладиган биологик фаол моддалар синтез қилишдан иборатдир. 3d-металлар бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли халқ хўжалигининг турли соҳаларида ўзига хос ўрин тутди. Координацион бирикмаларнинг хоссалари ва қўлланилиш соҳалари уларнинг электрон, стереокимёвий, кинетик ва термодинамик хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Алифатик, ароматик, карбон, пиридинкарбон кислоталар амидлари, хусусан, ацетамид, карбамид, тиокарбамид, никотинамидлар таркибида донор атомлар мавжуд бўлиб, металл ионлари билан координацион боғлар ҳосил қилса, олеин кислота анионлари комплекс ҳосил бўлишини турли йўналишларда олиб борилишига имконият яратади.

Ишнинг мақсади янги синф комплекс бирикмаларни синтез қилиш шароитларини ишлаб чиқиш, мураккаб тузилишли комплекс бирикмаларда марказий иони атрофида икки хил амид гуруҳи, карбоксилат гуруҳи, сув молекулаларининг рақобатли координацияланишини ва уларнинг тузилиши, электрон структураси, реакция қобилиятини ўрганишдан иборат.

Комплекс бирикмалар кимёсининг бундай ўзига хос хусусиятларини Вернер ва бир қатор олимлар ҳам тан олганлар, чунки бу бирикмалар тузилиши жиҳатидан юқори тартибли бирикмалар деб аталади.

Тирик организмларнинг барча ҳаётий жараёнларида иштирок этадиган кимёвий бирикмаларнинг кўпчилиги координацион бирикмалардир. Гемоглобин, хлорофилл, антителолар, карбонилли бирикмалар, буларнинг барчаси комплекс бирикмаларга мисол бўлади.

Ҳозирда қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган биостимуляторлар, ҳосилдорликни оширувчи қўшимчалар, дефолиантлар, инсектицидлар, фунгицидлар ва кўпчилик минерал ўғитлар асосан координацион бирикмалардир. Бунинг сабаби шундаки, бу бирикмалар таркибига азот, фосфор, калийдан ташқари ўсимликлар учун оз миқдорда бўлсада, жуда зарур

бўлган микроэлементлар, яъни марганец, мис, никел, кобалт, кадмий, хром, темир кабиларни айнан комплекс бирикмалар ёрдамида ўсимликларга етказиб бериш мумкин. Юқорида келтирилган металларни минерал ўғитлар таркибидаги азот, кислород, олтингугурт каби атомлари билан координацияланишга қодирлигини назарда тутсак, айнан комплекс бирикмалар ушбу долзарб ва муҳим вазифани аъло даражада бажара олиши яққол кўриниб туради.

Микроэлементлар нафақат ўсимликлар, балки одам ва ҳайвонлар организми учун ҳам кераклиги назарда тутадиган бўлсак, бу металларнинг витаминлар ва оксиллар, аминокислоталар билан ҳосил қиладиган комплексларининг одамзод ҳаётидаги роли янада ошади. Ҳақиқатан ҳам ҳозирда аптекаларда сотилаётган “пиковит”, “компливит” ва ҳоказо витамин ва микроэлементлар тутган сироплар таркибига бир назар ташлайдиган бўлсак улар асосан координацион бирикмалардан иборатлигини кўришимиз мумкин бўлади.

Юқорида фикрлардан келиб чиққан ҳолда, бу ва бошқа саволларга жавоб топиш мақсадида биз Кобальт(II)-олеатини танладик, лигандлар сифатида ацетамид (АА), карбамид (К) ва тиокарбамид (ТК) лардан фойдаланишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Ушбу битирув малакавий иши айнан шу мавзуга бағишланган бўлиб, бу ишда биз замонавий компьютер технологияларидан фойдаландик.

Битирув малакавий ишини ҳажми ва стурктураси. Битирув малакавий иши 70 қўлёзма варақдан, 1 та жадвал ва 2 та расмдан иборат бўлиб, кириш, адабиётлар шарҳи, тажриба қисми, олинган натижалар таҳлили, хулосалар ва 25 номдаги фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

I. Адабиётлар шарҳи

1.1. Мис ва унинг координацион бирикмалари

Мис ер қобиғида кенг тарқалган металл ҳисобланади, унинг миқдори 0,003% ни ташкил қилади.

У асосан олтингугуртли бирикмалари ҳолида учрайди. Унинг минералларидан халькопирит (CuFeS_2) ва халькозин (Cu_2S) кенг тарқалган. Кислород тутувчи минералларидан куприт (Cu_2O) ва малахит ($\text{Cu}_2(\text{OH})_2\text{CO}_3$) ҳам учрайди.

Мисни зичлиги юқори, электрётказувчанлиги яхши ва у юмшоқ металл ҳисобланади.

Мис кимёвий жиҳатдан пассив, у кучланишлар қаторида водороддан кейин жойлашган. Суюлтирилган кислоталардан водородни сиқиб чиқара олмайди. Концентрланган кислород тутувчи кислоталар билан таъсирлашганда +2 оксидланиш даражасини намоён қилади.

Бирикмаларида I ва II валентли бўлади. Икки валентли бирикмалари кўпроқ тарқалган.

Мис (I) ни кўпгина сувда эримайдиган тузлари аммиакда эрийди, бунда рангсиз комплекс катион $[\text{Cu}(\text{NH}_3)_2]^+$ ҳосил бўлади.

Бундан ташқари мис (I) ни сувда эримайдиган галлоид тузлари галоид кислоталар ва уларнинг ишқорий металллар билан ҳосил қилган тузларини концентрланган эритмаларида эрийдилар. Бунга сабаб мис (I) ни комплекс тузлар ва кислоталар ҳосил қилишидир. Масалан, $\text{H}[\text{CuCl}_2]$ ни бинафша-кул ранг игнасимон кристаллари эритмадан ажратиб олинган [].

Мис (I) цианиди сувда ёмон эрийди, аммо ишқорий металллар цианидлари эритмаларида яхши эрийди, сабаби бунда мисни цианидли комплекс аниони ҳосил бўлади. Бу анион $[\text{Cu}(\text{CN})_2]^-$ формулали бўлиб, у сувда эрувчан, рангсиз эритма ҳосил қилади.

Мис (I) учун катта координацион сонли – $\text{Me}_2[\text{Cu}(\text{CN})_3]$ ва $\text{Me}_3[\text{Cu}(\text{CN})_4]$ типдаги бирикмалар ҳам хос.

Мис (I) роданидлар билан таъсирлашганда олтингугурт орқали бирикиб комплекс анионлар ҳосил қилади. Унинг ишқорий металллар билан ҳосил қилган $Cs[Cu(SCN)_2]$ ва $Na_3[Cu(SCN)_4] \cdot 4H_2O$ комплекс бирикмалари маълум. Натрийли тузнинг ўзига хослиги шундаки, унга фильтр қоғоз туширилганда, қоғоз бўкади, кейинчалик қиздирганда эса шаффоф эритма ҳосил бўлиб, совитилганда гелга айланади.

Мис (I) ацетонитрил билан ҳам комплекс бирикмалар ҳосил қилади. Бундай комплекслар олиш учун мисни мос тузининг CH_3CN даги эритмасига мис кукуни таъсир қилдирилади. Олинадиган комплексларнинг таркиби анион табиатига боғлиқ бўлади. Cl^- ва Br^- бўлган ҳолда комплекслар формуласи $CH_3CN \cdot CuI$ (эхтимол улар электролитмасдир) мос келса, NO_3^- , ClO_4^- ва BF_4^- бўлганда $[Cu(NCCH_3)_4]X$ формула мос келади (ацетонитрил эритмасида бир зарядли ионларга парчаланади). Энг барқарори перхлорат бўлиб, у $175^\circ C$ да суюқланади, $205^\circ C$ да парчаланади (портлаш билан). Бу комплексларнинг барчаси сув таъсирида парчаланади [].

Икки валентли мис комплекс бирикмалар ҳосил қилади. Ишқорий металллар тузлари билан билан Cu^{2+} комплекс бирикмалар бериб, ўзи комплекс анион таркибида бўлади (масалан, $[CuCl_4]^{2-}$). Аммо уларнинг кўпчилиги беқарор бўлиб, эритмаларда таркибий қисмларга парчаланади.

Кучли ишқорларни концентрланган эритмаларида мис (II) гидроксид кўк купритлар ҳосил қилади ($NaHCuO_2$, Na_2CuO_2). Аммо улар жуда беқарор бўлиб, эритма суюлтирилганда $Cu(OH)_2$ ҳолида чўкмага тушади.

Қаттиқ ҳолатда айрим ишқорий ва ишқорий ер металлари купритлари олинган. Кристаллизацион сув миқдorigа қараганда улар комплекс тузилишга эга. Масалан, натрийни кўк купритига $Na_2[Cu(OH)_4]$ формула мос келса, барийни очиқ-кўк куприти – $Ba_2[Cu(OH)_6]$ формулага жавоб беради.

Аммиак билан бир қатор комплекс бирикмалар ҳосил қилади. Унинг кўк рангли комплекс катиони $[Cu(NH_3)_4]^{2+}$ барқарор ҳисобланади. У мис тузларига аммиак эритмаси қўшилишидан ҳосил бўлади:



Интенсив рангли бўлган бу бирикмани ҳосил бўлишини аналитик кимёда мис катионини аниқлашда ишлатиш мумкин.

Ушбу комплекс катионнинг турли тузларидан ташқари, кристалл ҳолатда унинг асоси ажратиб олинган: $[\text{Cu}(\text{NH}_3)_4](\text{OH})_2 \cdot 3\text{H}_2\text{O}$. Унинг тузларини 150-250°C гача қиздирганда аммиакни маълум қисми чиқиб кетади ва $[\text{Cu}(\text{NH}_3)_2]^{2+}$ ни мос тузлари ҳосил бўлади. Шу билан бирга NH_4OH ни юқори концентрацияли эритмаларида $[\text{Cu}(\text{NH}_3)_5]^{2+}$ ва $[\text{Cu}(\text{NH}_3)_6]^{2+}$ ионлари ҳосил бўлиши аниқланган. Бундай комплексларнинг айримлари, масалан, $[\text{Cu}(\text{NH}_3)_5]\text{SO}_4$ ва $[\text{Cu}(\text{NH}_3)_6]\Gamma_2$ (бу ерда Γ – хлор, бром, иод) қаттиқ ҳолда олинган [15].

Cu^{2+} иони яна бир қатор (айниқса S- ёки N-атоми тутган) молекулалар билан комплекслар ҳосил қилади. Шунингдек, у галоген кислоталар ва уларни ишқорий тузлари билан бирикиб, кўпинча $\text{M}[\text{Cu}\Gamma_3]$ ва $\text{M}_2[\text{Cu}\Gamma_4]$ типигаги комплекс бирикмалар ҳосил қилади. Уларнинг кўпчилиги қаттиқ ҳолатда кристаллизация сувини тутадилар. Бу бирикмаларни ранги турли, масалан:

KCuF_3	KCuCl_3	KCuBr_3	$\text{LiCuCl}_3 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$	Cs_2CuCl_4	Cs_2CuBr_4	$\text{Cs}_2\text{CuCl}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$
рангсиз	қизил	қора	қизил	сарик	қора	кўк-яшил

Cu^{2+} иони тутган эритмага мўл миқдорда калий цианид қўшганда $\text{K}_2[\text{Cu}(\text{CN})_4]$ таркибли, рангсиз кристалл модда олинади. Цианид ионлари концентрацияси жуда катта бўлганда мисни координацион сони юқори бўлган, бинафша рангли комплекс бирикма ҳосил бўлади. Бир ва икки валентли мисни бир вақтда ҳосил бўладиган цианидли комплекси жуда қизик: $[\text{Cu}(\text{NH}_3)_2]_2[\text{Cu}(\text{CN})_4]$. Бу модда металл ялтироқлигига эга бўлиб, яшил кристаллар шаклда бўлади, ҳавода оксидланмайди ва сувда деярли эримайди. $\text{Cu}_2[\text{Cu}(\text{CN})_4] \cdot 5\text{H}_2\text{O}$ таркибли комплекс бирикма оддий шароитда $\text{Cu}(\text{CN})_2$ парчаланишидан ҳосил бўлади [16].

Cu^{2+} ни карбонатли комплекслари ҳам маълум. Масалан, мис карбонатни мўл миқдорда карбонат ангидрид эритилган эритмага туширсак, $\text{K}_2[\text{Cu}(\text{CO}_3)_2] \cdot 3\text{H}_2\text{O}$ ҳосил бўлади.

CuCl_2 ни фтор атмосферасида KCl билан қиздиришда $\text{K}_3[\text{CuF}_6]$ формулани очик-яшил комплекс олинди. У сув билан парчаланди.


CuCl_2 ни эритмасига NaOCl ни ишқорий эритмасини ва $\text{Na}_2\text{H}_3\text{IO}_6$ ва $\text{Na}_2\text{H}_4\text{TeO}_6$ ни кислотали эритмасини қўшиб $\text{Na}_7[\text{Cu}(\text{IO}_6)_2] \cdot 16\text{H}_2\text{O}$ ва $\text{Na}_9[\text{Cu}(\text{TeO}_6)_2] \cdot 20\text{H}_2\text{O}$ формулага мос келадиган бирикмалар олинади [17].

А.А. Склярнинг номзодлик диссертация ишида мис (II) ни N-фосфонометилглицин ва валин билан ҳосил қилган комплекс бирикмалари кўриб чиқилган. Бу тадқиқотлар натижасида Cu^{2+} - H_3PMG ларни барқарорлик константаси $K_{\text{Cu}}^{\text{CuL}} \gg K_{\text{Cu}}^{\text{Cu(HL)}} \gg K_{\text{Cu}}^{\text{Cu(H}_2\text{L)}}$ каторида пасайиши аниқланган. Cu^{2+} - H_3PMG - HVal учли системада барқарорлик константаси қуйидаги формуладан ҳисобланди:


$$\beta_{pqlr} = \frac{|\text{Cu}_p \text{PMG}_q \text{Val}_l \text{H}_r|}{|\text{Cu}|^p |\text{PMG}|^q |\text{Val}|^l |\text{H}|^r}$$

Бунда $\text{Cu}(\text{PMG})\text{Val}^{2-}$ ($\lg\beta_{1110} = 19.81(4)$) ва $\text{Cu}(\text{HPMG})\text{Val}^{-}$ ($\lg\beta_{1111} = 26.02(6)$) бўлиши аниқланган.

Тахлиллар натижасида олинган кўрсаткичларни компьютер ёрдамида қайта ишлаш натижасида аралаш лигандлик комплекслар учун қуйидаги тузилиш таклиф қилинган:



ИҚ-спектрлар кўрсаткичларига кўра координацияда лигандларни айнан азометин шакли қатнашиши аниқланган. ЭПР маълумотларига таянган ҳолда координацион марказ учун қуйидагича тузилиш таклиф қилинган [18]:



Е.В. Елсуфьевнинг кимё фанлари номзоди даражасини олиш учун бажарган ишида мис (I) катионини меркаптопропил ва тиодиазолтиол гуруҳлар билан ҳосил қилган бирикмаларини люминесценцияси асосида мис миқдорини аниқлаш методикаси келтирилган.

Мис (I) катионини люминесценцияси унинг миқдorigа боғлиқлиги ва мис миқдори 0,1 г сорбентга 50 мкг ни ташкил қилганда люминесценцияни ҳаяжонланиш чегараси 351 нм дан 400 нм гача бўлиши аниқланган. 351 нм тўлқин узунлиқлиги билан ҳаяжонлантирганда люминесценция спектри максимуми 580 нм да бўлган [19].


Хозирда координацион бирикмалар 4 синфга бўлинади.

1. Молекуляр монодентат лигандли координацион бирикмалар. Булар жумласига аммиакатлар, гидратлар ҳамда металл карбониллар киради. Масалан, $[\text{Cu}(\text{NH}_3)_4]\text{SO}_4$, $[\text{Al}(\text{H}_2\text{O})_6]\text{Cl}_3$, $[\text{Ni}(\text{CO})_4]$, $[\text{Co}_2(\text{CO})_8]$.

2. Ион лигандли координацион бирикмалар. Буларга лигандлари кислота колдиғидан иборат ацидо комплекслар киради. Масалан: $\text{Na}_3[\text{AlF}_6]$, $\text{Na}_2[\text{HgJ}_4]$,

$\text{Na}_2[\text{PdBr}_4]$, $\text{K}_4[\text{Fe}(\text{CN})_6]$, $\text{K}_2[\text{BeF}_4]$ ва ҳакозолар. Оксо- ва гидроксокоординацион бирикмалар ҳам шу синфга киради.

3. Циклик координацион бирикмалар таркибида бидентат ва полидентат лигандлар булиши мумкин. Масалан: $[\text{Co}[\text{NH}_2(\text{CH}_2)_2\text{NH}_2]_3]\text{Cl}_3$, $[\text{Co}(\text{асос})_3]$ ва ҳакозо. Агар $[\text{Co}(\text{NH}_3)_6]\text{Cl}_3$ таркибидаги 6 та NH_3 ни 3 та этилендиамин молекуласига алмаштирилса, $[\text{CoEn}_3]\text{Cl}_3$ ҳосил булади. Бунда ҳар қайси этилендиамин молекуласи металл билан 2та σ -боғ орқали бирикади. Натижада 3 та беш аъзоли халқага эга бўлган комплекс ҳосил бўлади. (асос – ацетилацетон – $\text{O} = \text{C}(\text{CH}_3) - \text{CH} = \text{C}(\text{CH}_3) - \text{O}^-$ аниони ҳам беш аъзоли халқа ҳосил қилади, унда фрагментидан 3 таси марказий атом атрофида координация ҳолатида бўлади.



Бундай бирикмалар хелат координацион бирикмалар деб аталади.

Иккинчи мисол тарикасида ички координацион бирикмаларни курсатиш мумкин. Агар полидентат лиганднинг бир атоми марказий атоми билан каволент (баъзан ионли) тарзда бирикиб, лиганднинг иккинчи атоми донор-акцептор механизми буйича марказий атом билан бириккан бўлса, ҳосил булган ҳолатни **ички координацион бирикма** деб аталади. Масалан: глицин номли аминокислота мис сульфат билан реакцияга киришганда миснинг ички комплекс бирикмаси ҳосил булади:



бис (глицинато) мис(II)

Комплексонлар, сэндвич ва π -комплекслар ҳам шу синфга киради.

Этилендиаминтетраацетат кислотанинг иони полидентат лигандлар жумласига киради. Бу кислота қисқача ЭТДА ёки ЭДТУК билан ишораланади. Унинг икки натрийли гидротузи



трилон-Б номи билан аналитик кимёда металл ионлари микдорини аниқлашда ишлатилади. ЭДТА нинг иони олти дентатли лиганд ҳисобланади. Агар металлнинг координацион сони 6 дан ортиқ булса, ортика уринларни эритувчи молекулалари банд килади.

4. Сэндвич бирикмалар. 1951 йилда ферроцен $[\text{Fe}(\text{C}_5\text{H}_5)_2]$ синтез килинди. Кейинчалик унинг сэндвич тузилишга эга эканлиги исботланди. Унинг таркибида темир иони 2 та циклопентадиенил иони C_5H_5 билан бириккан. Унинг тузилишини аниқлаган Э. Фишер ва Ж. Уилконсон Нобель мукофотини олишга сазовор бўдилар. Ферроценнинг тузилиши куйидагича. Унда темирнинг координацион сони 6 та тенг.

Ферроцендаги темир ўрнини бошқа металл, масалан, никель эгаллаши мумкин, у холда никелоцен $[\text{Ni}(\text{C}_5\text{H}_5)_2]$ ҳосил бўлади. Бундан ташқари ферроценнинг циклопентадиенил халқалари ҳам алмашиниш реакцияларига киришади [2].

1.2. Карбамиднинг координацион бирикмалари

Карбамид (К) – $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ техника ва саноатнинг турли соҳаларида пластик массалар олишда, коррозияни секинлаштиришда ва нодир металлларни аниқлашда ишлатилади. Кўп миқдорда қишлоқ хўжалигида азот тутувчи ўғит сифатида ишлатилади.

Карбамид монокристалларини рентгеноструктур тахлили C-N ва C=O боғлар орасидаги масофа 1,356 ва 1,276 Å тенг бўлиб, бу стандарт қийматларга мос келишини кўрсатди. Карбамидни гексагонал ва тетрагонал кристалл модификациялари борлиги исботланди.

Карбамид ва унинг дейтероаналогларини ИҚ- ва КРҒютилиш спектрларини ўрганишга [5] ишлар бағишланган бўлиб, улар асосида функционал гуруҳлар частоталарини нисбатлари аниқланган.

Карбамидни органик ва аорганик кислоталар билан таъсирлашишини ўрганишга кўпгина ишлар бағишланган. Кислоталар билан реакцияларда карбамид асос хоссаларини намоён қилиши аниқланган. К. Сулайманқуловнинг монографиясида карбамидни аорганик тузлар билан таъсирлашиш реакциялари натижалари умумлаштирилган. Карбамид сувли мухитда металлари галогенидлари, сульфатлари, нитратлари ва бошқа тузлари билан реакцияга киришиши аниқланган.

Карбамидни адабиётларда маълум комплексларини тахлили натижасида у типик комплекс ҳосил қилувчи металллар тузлари билан концентрациясига, синтез шароитларига ва анион турига боғлиқ ҳолда турли таркибли ва турли координацияланган бирикмалар ҳосил қилиши аниқланди. Икки валентли марганец, никель ва кобальт хлоридлари карбамидни тўрт молекуласини тутса, тўлган d-қаватлилари фақат иккита карбамид бириктирадилар. Типик комплекс ҳосил қилувчи металллар бромидлари ва иодидлари ўнтагача лиганд молекулалари тутади, рух, кадмий ва симоб тузлари эса иккитадан кўп тутмайди ва улар гидратланмаган бўлади. Карбамид металл нитратлари, тиоцианатлари ва сульфатлари билан ҳам худди шундай комплекслар ҳосил қилади.

К. С. Сулейманқуловнинг ишига кўра карбамидни комплексларини ИҚ-спектри бўйича учга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга кумуш (I) нитрат, платина (II) ва палладий (II) хлоридларни карбамид билан ҳосил қилган комплекслари $\text{AgNO}_3 \cdot \text{K}$, $\text{PtCl}_2 \cdot 2\text{K}$ ва $\text{PdCl}_2 \cdot 2\text{K}$ киради.

Бу комплексларни ИҚ-спектрларида N-C-N боғни ассиметрик тебраниш чегараси C-N боғни куч константалари камайиши ҳисобига камаяди, бу эса уни қўшбоғлилик даражасини пасайтиради. Карбамидли комплексларда ИҚ-спектрларни бундай ўзгариши амидни азот атоми орқали координацияланиши

билан тушунтирилади. C=O боғни валент тебраниш частотаси ошиши ҳам ушбу хулосага мос келади.

Иккинчи гуруҳга икки валентли марганец, рух ва кадмий ионлари кириб уларда марказий атомни координацион сони 3 дан 6 гача бўлади. Ушбу бирикмаларнинг ИҚ-спектрларини ўзига хослиги шундаки, улардаги карбамидни барча чизиқлари нозик, координирланмаган карбамид учун хос бўлган молекулалараро водород боғни кенг чизигини юқори частотали спектр соҳасида умуман кузатилмаслиги, водород боғларни узилганлигидан далолат беради. Карбамид молекулаларини координациясини карбонил гуруҳи кислороди орқали амалга оширилиши натижасида $\nu(\text{CN})$ ошади ва $\nu(\text{C=O})$ камаяди.

Бирикмаларнинг охириги гуруҳи таркибида олтига карбамид молекуласи тутади ва қуйидаги формулага эга бўлади: $\text{MX}_2 \cdot 6\text{K}$. Бу ерда лигандни координацияланиши карбонил гуруҳ кислороди орқали амалга оширилади. Шунини айтиш керакки, олдинги иккинчи гуруҳдан фарқли холда карбамид учун ман қилинган $\tau(\text{NH}_2)$ ва $\omega(\text{NH}_2)$ чизиқлар ИҚ- ва КР-спектрларда актив бўлади. Бу бирикма симметрияга эга эмаслигини, бошқача қилиб айтганда, марказий атом молекула ўқида ётмаслигини кўрсатади. NH_2 гуруҳини валент тебранишлари намоён бўладиган спектрни юқори частотали соҳаси жуда хиралашган. N-C-N гуруҳни симметрик валент тебранишларига асосланган чизиқ эркин карбамиддагига нисбатан юқори частотали томонга $20\text{-}25 \text{ см}^{-1}$ га оғади.

Юқоридагиларга хулоса қилиб карбамидни барча комплекслари карбонил гуруҳдаги кислород орқали координацияланади ва фақат кумуш нитрат, палладий ва платина хлоридларда координацияланиш азот орқали содир бўлади дейиш мумкин.

Рентгеноструктур анализни шиддат билан ривожланаётганлиги натижасида охириги йилларда карбамидли комплекс бирикмаларнинг кристалл тузилишига бағишланган ишлар кўпаймоқда. Бу ишлар муаллифлари томонидан координационро полиэдрларни ўзига хосликлари кўриб чиқилган.

$\text{NiJ}_2 \cdot 10\text{K}$ (I), $\text{Ni}(\text{NSC})_2 \cdot 8\text{K}$ (II), $\text{Ni}(\text{NCS})_2 \cdot 4\text{K}$ (III) каби бирикмалар учун тузилишни айрим турлари кўрсатилган. (I) да координация $[\text{CoK}_6]^{2+}$, II да транс $[\text{Co}(\text{NCS})_2 \cdot \text{K}_4]$, III да цис- $[\text{Co}(\text{NCS})_2 \cdot \text{K}_4]$ шаклида бўлиши аниқланган. Барча холларда карбамид молекулалари (I ва II да сфера ичида ва ташқарисида, III сфера ичида) водород боғлари каркасини ҳосил қилади. Кўриб чиқилган рентгеноструктуралар натижалари металл ва ацидолигандлар табиати карбамидни координацияланишига таъсир қилмасда, у комплексни тузилиши ва хоссаларига сезиларли таъсир кўрсатишидан далолат бермоқда. Комплексларни термик хоссаларини ўрганиш уларни катализаторлар сифатида ишлатиш ва оралиқ координацион бирикмалар олиш нуқтаи назаридан қизиқиш уйғотади. Умумий ҳолда карбамидли комплексларга термик таъсир қилинганда улар суюқланади, сувсизланади ва комплекс парчланади. Кўп холларда карбамидли комплекслар $130\text{-}140^\circ\text{C}$ атрофида суюқланиши ва бунга металл ҳамда ацидолигандлар таъсир қилмаслиги аниқланган, айрим холларда эса термик таъсир натижаларига таянган ҳолда комплекс бирикманинг барқарорлигини кислота қолдиғи ва амидли лигандга боғлиқлиги ҳақида ва уларни термолиз схемасига таъсири ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин. $\text{Co}(\text{ClO}_4)_2 \cdot 6\text{K}$ (I) $\text{Co}(\text{ClO}_4)_2 \cdot 4\text{K} \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ (II) таркибли комплексларни ДТА сени тахлил қилиш натижасида муаллифлар $\text{Co} \leftarrow \text{O} = \text{C} =$ боғ кобальт перхлорат гексакарбамиддагига нисбатан II комплексда барқарор деган хулосага келдилар. Кобальт (II) ни мос комплексларини қиздириш эгриларида сувсизланиш ва парчланиш термоэффектлари билан бир қаторда изоморф ўзгаришларга мос келувчи эффектлар ҳам кузатилади. Турли кислота қолдиқлари тутган марганец ва рухни карбамидли комплексларини термик парчланишини кузатиш натижасида $\Delta\nu = \nu(\text{CO})_{\text{комп.}} - \nu(\text{CO})_{\text{карб.}}$ қанчалик юқори бўлса, термик барқарорлик ҳам шунчалик юқори ва металл-лиганд боғ шунчалик мустаҳкам бўлиши аниқланган. Рух ва марганец хлоридлар энг яхши акцепторлар деб топилди[].

1.3. Тиокарбамиднинг координацион бирикмалари

Тиокарбамид (ТК) – H_2NCSNH_2 карбамид каби иккита донор атоми – амин гуруҳини азоти ва тиогуруҳни олтингугуртини тутати. Эркин ва комплекс тиокарбамидни нормал тебранишлари Ю. Я. Харитонов томонидан тахлил қилинган. Қатор муаллифлар томонидан тиокарбамидни марганец, темир, кобальт ва кадмийни галогенидлари, сульфатлари ва перхлоратлари билан ҳосил қилган тузлари тахлил қилинган. Кобальт галогениди, сульфати ва перхлорати тиокарбамид билан $\text{CoX}_2 \cdot n\text{TK}$, бу ерда $n=2,4$ таркибли, никель бромиди ва иодиди эса $\text{MX}_2 \cdot 6\text{TK}$ таркибли бирикмалар ҳосил қилиши аниқланди. Тиокарбамидни мис тузлари билан комплекслар ҳосил қилишида мис бир валентли ҳолатгача қайтарилади, темир, марганец, никель ва кобальт тузлари билан шу шароитда реакцияга киришишида эса оксидланиш даражасини ўзгариши кузатилмайди. Юқоридагидан келиб чиққан ҳолда темир гуруҳи металлларини мис тузларидан тозалаш усули ишлаб чиқилди. Тиокарбамидни координацияланиш турини аниқлаш карбамидга нисбатан қийин, чунки у олтингугуртни тақсимланмаган иккита жуфт электронлари ҳисобига кўприкли боғланиш ҳосил қилиши мумкин. Кўп ҳолларда координация олтингугурт атоми орқали амалга оширилади. Бу тахмин тиокарбамид ва унинг ҳосилаларини рентгеноструктур тахлил қилиш ёрдамида исботланган. N-фенилтиокарбамид никелли комплексида эса азот атомлари орқали координацияланиб депротонирланган шаклда бўлади.

Кадмийни тиокарбамидли бирикмаларида октаэдрлар ҳосил қилиш усуллари қизиқарли. Кадмий бис –(этилентиокарбамид)-роданидда ва кадмий бис – (тиокарбамид)-роданидда (NSC) кислота қолдиғи кўприк вазифасини бажаради, шу вақтнинг ўзида кадмий бис(тиокарбамид)формиат ва ацетатларда кўприк вазифасини тиокарбамиддаги олтингугурт бажаради, аммо бундай функция формиат ва ацетат гуруҳлари учун ҳам хос бўлади.

Хулоса қиладиган бўлсак, карбамид комплекс бирикмаларда кўпинча монодентант ҳолда карбонил гуруҳидаги кислород атоми орқали

координирланса, тиокарбамид металл, ацидолиганд ва алмашувчи радикал табиатига боғлиқ холда олтингугурт атоми орқали моно – ёки бидентант ёки азот атоми орқали моно- ёки бидентант координирланиши мумкин.

Адабиётлар шарҳидан карбамид ва тиокарбамид ҳамда уларнинг ҳосилаларини комплексли бирикмалари бўйича кўпгина ишлар қилинганлиги кўриниб турибди. Карбамид ва тиокарбамидни кислота қолдиғи сифатида галогенидлар, сульфат, нитрат, роданид, формиат, ацетат гуруҳлари тутган металллар билан комплекслари синтез қилинган. Уларни таркиби, ўзига хослиги, амидо ва ацидолигандларни координацияланиш усуллари аниқланган. Қатор холларда карбамидли ва тиокарбамидли комплексларни кристалл ва молекуляр структуралари очилган. Координацион бирикмаларнинг кристаллик ва геометрик ўзига хосликлари аниқланган [].

1.4. Металл карбоксилатларининг аралаш амидли координацион бирикмалари

Ушбу адабиётлар шарҳида алифатик, тиокарбон, ароматик ва гетероциклик карбон кислоталар амидларини металл формиатлари, ацетатлари, тартратлари, сукцинатлари ва бошқа карбоксилатлари билан координацион бирикмалари келтирилган[].

Бу ишларда баъзи d-металларнинг амидо- ва аквакарбоксилатли комплекс бирикмаларини синтези қилиш шароитлари келтирилган. Металл карбоксилатларини айрим органик лигандлар билан селектив таъсири аниқланган. Ажратилган бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссалари (ранги, эрувчанлиги, суюқланиш ҳарорати, парчаланиш ҳарорати ва моляр электрўтказувчанлиги) аниқланган. Тебранма спектроскопия, ПМР, ЭСДО, РФА, РСА, ЭПР ва термик усуллар, магнитокимёвий ва квантокимёвий таҳлиллар ёрдамида синтез қилинган комплексларнинг тузилиши, таркиби ва ўзига хослиги топилган [].

Спектроскопик кўрсаткичлар асосида формаамид, ацетамид ва пропионамидларни бирикмаларида координация кислород атоми орқали содир бўлиши аниқланган. Ацидолигандларнинг $\nu(\text{H-C})$ ва $\nu(\text{C-C})$ частоталари холатидан келиб чиққан холда карбоксил гуруҳини дентантлиги аниқланган. Сукцинатли дианион комплекс таркибига кўра би-, три- ва тетрадентант бўлишини намоён қилди. Амидларни комплекс ҳосил қилиш хусусиятлари формаамиддан пропионамидга қараб камайиши кўрсатилган, бу амидларда углеводород радикали ошиши билан асослик хоссаси камайиши ва стерик тўсиқлар ҳосил қилишига мос келади. Пропионамидни имидоалкоголли шакли вужудга келиши сабаблари кўриб чиқилган. Карбамидли, тиокарбамидли комплексларда металл ва ацидолиганд табиатидан қатъий назар координация карбоксил гуруҳ кислороди орқали амалга ошади [] карбоксилат аниони бидентантлик намоён қилиб, гидроксил гуруҳ кислороди ва карбоксил гуруҳ кислороди орқали координацияланиб беш аъзоли хелат цикл ҳосил қилади, лимон кислотани трианиони эса гептандентантли кўприкли координация намоён қилиб полимер тузилишли комплекслар ҳосил қилади. Метилендикарбамидни металл ва ацидолиганд табиатига боғлиқ холда карбоксил гуруҳ кислороди орқали; кислород атоми ва иккиламчи амин гуруҳи азоти орқали олти аъзоли циклли комплекс ҳосил қилиб; карбоксил гуруҳлар кислородлари атомлари орқали кўприкли координацияланиб, иккиламчи амин гуруҳларидаги кислород ва азот атомлари орқали иккита олти аъзоли металлоцикллар ҳосил қилиб бирикиши кўрсатилган. Бунда карбоксил гуруҳларни дентантлиги нўлдан иккигача ўзгаради []. Пиразинамидли бирикмаларда лиганд координацияси марказий атом табиатига ва комплекс таркибига боғлиқ бўлади. Пиразинкарбон кислота ва пиразинамидни металлоцикл ҳосил қилишга мойиллиги таққосланган. Пиразинкарбон кислота анионини беш аъзоли цикл ҳосил қилишига кучли мойиллиги C-O боғни узайиши ва натижада цикл ёпилиб хелат эффекти ҳосил бўлишига олиб келиши сабаб бўлиши кўрсатилди. Никотинамид молекуласи барча бирикмаларда монодентант бўлиб азотни гетероатоми орқали координацияланади.

Комплекслар ацидолигандлар табиатига боғлиқ холда марказий атом М-М боғли мономер икки ядроли, димер ва полимер тузилишли октаэдр ва камдан – кам холда тетраэдр конфигурацияли бўлади. Сукцинатлар ва цитратлар учун сув молекулалари ва карбоксил гуруҳ кислородини рақобатли координацияланиши муҳокама қилинган. Изоникотин кислота гидразиди комплексида амидли лиганд азот гетероатоми, ёки беш аъзоли цикл ҳосил қилиб азот ва кислород атомлари орқали координирланади. Фтивазид комплексларда фтивазидни координацияланиши металлоцикл ҳосил бўлиши билан фенол ва метоксил гуруҳлар орқали амалга оширилади. Ларусан барча комплекс бирикмаларда азот гетероатоми орқали координирланади. Ацидолигандлар би- ва тридентант бўладилар. Метазид металл карбоксилатлари билан уч хил координацияланади: азот гетероатомлари орқали, кислород ва азот атомлари орқали беш аъзоли цикл ҳосил қилиб ва юқоридаги иккита усул биргаликда амалга ошади[].

Квант кимёвий усуллари билан амидларни реакцион қобилиятини аниқлашга имкон берадиган чегара орбиталлари энергияларига таъсир қилувчи ва шу билан атомда зарядларни сезиларли даражада қайта тақсимланишига олиб келувчи эркин ва координирланган лигандларни тузилиши, конформацияси, электрон структураси ва реакцион қобилиятлари ўрганилган.

Синтез қилинган координацион бирикмаларга термик таҳлил қилинганда кузатиладиган ўзгаришлар аниқланган ва формаид ва ацетаидли комплексларда органик лиганд парчаланмасдан ажралиб чиқиши билан босқичма – босқич ажралиши аниқланган. Термолизни босқичлари ацидолиганд ва марказий ион характерига боғлиқ бўлиши аниқланди. Комплексларни деактивацияси карбоксил гуруҳлар дентантлиги кўпайиши билан ошиб бориши кўрсатилган. Комплексларни дегидратация ва деактивация механизмларини кинетик параметрлари ҳисобланган. Текширилаётган моддаларда доминант механизмлар сифатида цилиндрик симметрия фазалараро диффузиясидаги ва Журавлев-Лесохин-Темпельман моделини уч ўлчамли диффузияси реакциялари бўлиши аниқланган.

Бир гуруҳ олимлар томонидан [] хром (III) ни никотинамид билан $[\text{Cr}_3\text{O}(\text{O}_2\text{CCH}_3)_6(\text{HKA})_3]\cdot\text{PF}_6\cdot 3\text{CH}_3\text{CN}$ (I) таркибли комплекс бирикмасини синтез қилиш усули келтирилган. Кукунсимон (I) намунани магнитга сезгирлиги 200-300 К да ўлчанганда, хром (III) ионлари антиферромагнит $j=-10,4 \text{ см}^{-1}$ боғланганлиги аниқланди. (I) бирикманинг кристалл структураси РСТА усулида аниқланди. Бошқа олимлар [] томонидан мис карбоксилатини мочевина билан $[\text{Cu}_2(\text{O}_2\text{CC}_n\text{H}_{2n+1})_4(\text{KA})]$ ($n=5$ дан 11 гача) ва $[\text{Cu}_2(\text{O}_2\text{CC}_5\text{H}_{11})(\text{KA})_2]$ (I) таркибли бирикмалари синтез қилинган. Комплекслар элементар анализ, электрон спектроскопия, тебранма спектроскопия, рентген нурлари дифракцияси, магнит хоссаларини таҳлил қилиш усуллари билан текширилган. (1) ни РСА усулида кристалл структураси аниқланган.

II. Тажриба қисми

2.1. Ишлатилган препаратлар, ускуналар ва таҳлил усуллари

Миснинг амидпальмитатли комплекс бирикмаларини синтез қилиш учун биз дастлаб мис(II)-пальмитатни синтез қилдик. Бунинг учун “чда” маркали пальмитин кислота, “чда” маркали мис купоросини ($\text{CuSO}_4 \cdot 5\text{H}_2\text{O}$) ишлатдик. Лигандлар сифатида “чда” маркали карбамид ($\text{CO}(\text{NH}_2)_2$) (К), тиокарбамид ($\text{CS}(\text{NH}_2)_2$) (ТК), ва нитрокарбамид ($\text{NH}_2\text{CONHNO}_2$) (НК) лар ишлатилди.

Азот Дюма микрометоди бўйича, углерод ва водород кислород токида ёқиш йўли билан аниқланди.

Миснинг амидопальмитатли координацион бирикмалари молекуласининг квант-кимёвий ҳисоблари NauperChem дастури яримэмпирик методини РМ-3 яқинлашувида ўтказилди.

Термик анализ Паулик-Паулик-Эрдей [] системасидаги дериватографда 10 град/мин тезлик билан 0,1 г намунада, гальванометрлар сезгирлиги Т-900, ТГ-100, ДТА-1/10, ДТГ-1/10 бўлганда ўтказилди. Ёзувлар атмосферали шароитида газларни доимий равишда насос билан чиқариб турган холда ўтказилди. Ушлагич сифатида 7 мм диаметри қопқоқсиз платина тигели ишлатилди. Эталон сифатида Al_2O_3 ишлатилди.

2.1. Мис(II)- пальмитат синтези

9,04 г (0,04 моль) пальмитин кислота олиб, уни сувдаги суспензияси тайёрланди. Бу суспензия устига 3,2 г (0,08 моль) натрий гидроксидни сувли эритмасидан қўйдик, олинган аралашмани яхшилаб аралаштирдик ва бир оз вақт қўйиб қўйдик. Маълум вақт ўтгач ва эритма аралаштирилганда совунга хос бўлган кўпиклар ҳосил бўла бошлагач аралашмага 5 г (0,02 моль) мис купоросини сувли эритмани аралаштириб турган холда аста-секин қўшдик. Бунда аралашманинг бутун ҳажми бўйлаб оч яшил чўкма ҳосил бўлди. Шундан кейин чўкма сув насоси ёрдамида филтрлаб олинди. Филтрда қолган чўкмани реакцияга киришмай қолган пальмитин кислотадан тозалаш мақсадида этил

спирти билан бир нечта марта ювдик. Кейин чўкма яна филтрланди ва очик хавода қуритилди.



Мис(II)-пальмитатнинг ранги оч яшил, аниқ суюқланиш ҳароратига эга эмас. Дериватограммалар таҳлили натижасида унинг молекуласи сувсиз бўлиши аниқланди.

2.2. Мис(II)-пальмитатнинг амидлар билан координацион бирикмалари синтези

Координацион бирикмалар синтези учун энг қулай ва самарали механо-кимёвий усулдан фойдаландик чунки бу усулда қисқа вақт ичида юқори унум билан турли таркибли комплекс бирикмалар синтез қилиш мумкин. Механо-кимёвий усул танладик. Бундай усулни танлашимизнинг сабаби шундаки, бу усул ҳозирда кенг қўлланиладиган илғор усуллардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари қаттиқ фазада синтезларни амалга ошириш самарали усуллардан бири бўлиб, синтез қилинган моддаларнинг унуми ва тозалик даражаси юқори бўлади.

Мис(II)-пальмитатнинг амидлар билан координацион бирикмаларини синтез қилиш методикаси қуйидагича:

Мис(II)-пальмитатнинг амидлар билан координацион бирикмалари синтези механо-кимёвий усулда 1:2 моль нисбатларда хона ҳароратида чинни хавончада мунтазам аралаштириш орқали олиб борилди. Бунда эквимольяр нисбатда олинган мис(II)-пальмитат ва амидлар аралашмаси ховончада аралаштирилиб вақти-вақти билан ховонча ва эзгич юзасига ёпишган моддаларни скальпель билан тозалаб турилди. Бунда 15 минут аралаштирилгач, 5 минут ховонча ва эзгич скальпель билан тозаланади ва аралаштириш яна давом қилдирилди. Бу жараён камида 12 марта такрорланади. 10 марта такрорлашдан кейин аралашма ўзгармас таркибга эга бўлиб қолди, бу эса ўз навбатида доимий таркибли бирикма ҳосил бўлганидан далолат беради.

Барча амидопальмитатли координацион бирикмалар бир хил методикада синтез қилинди. Битирув малакавий ишини бажариш давомида қуйидаги моддалар синтез қилинди:

$\text{Cu}(\text{C}_{15}\text{H}_{31}\text{COO})_2 \cdot 2\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ олиш учун 2,304 г $\text{Cu}(\text{C}_{15}\text{H}_{31}\text{COO})_2$ ни 0,48 г карбамид билан хона шароитида 3 соат давомида чинни ховончада аралаштирдик.

$\text{Cu}(\text{C}_{15}\text{H}_{31}\text{COO})_2 \cdot 2\text{CS}(\text{NH}_2)_2$ синтез қилиш учун 2,304г $\text{Cu}(\text{C}_{15}\text{H}_{31}\text{COO})_2$ ни 0,608 г тиокарбамид билан хона шароитида 3 соат давомида чинни ховончада аралаштирдик.

$\text{Cu}(\text{C}_{15}\text{H}_{31}\text{COO})_2 \cdot 2\text{NO}_2\text{NHCONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ ни синтез қилишда 2,304г $\text{Cu}(\text{C}_{15}\text{H}_{31}\text{COO})_2$ ни 0,832 г нитрокарбамид билан хона шароитида 3 соат давомида чинни ховончада куч билан эзиб аралаштирдик.

Олинган бирикмаларнинг элемент таҳлили натижалари жадвал 1 да келтирилган.

Жадвал 1.

Мис(II)-пальмитатининг карбамид (К), тиокарбамид (ТК) ва нитрокарбамид (НК) билан ҳосил қилган комплекс бирикмаларининг элемент таҳлили натижалари (Пл-Н - $\text{C}_{15}\text{H}_{31}\text{COO}^-$)

Бирикма	Ме%		С%		Н%		N%		S%	
	Ҳис.	Топ.	Ҳис.	Топ.	Ҳис.	Топ.	Ҳис.	Топ.	Ҳис.	Топ.
$\text{Cu}(\text{Пл-Н})_2 \cdot 2\text{К}$	9,20	9,18	55,20	62,07	10,34	10,22	7,05	7,08	-	-
$\text{Cu}(\text{Пл-Н})_2 \cdot 2\text{ТК}$	8,80	8,68	59,34	59,28	9,85	9,80	7,69	7,54	8,79	8,65
$\text{Cu}(\text{Пл-Н})_2 \cdot 2\text{НК} \cdot \text{H}_2\text{O}$	7,98	7,89	53,88	53,77	9,75	9,55	10,47	10,32	-	-

III. Олинган бирикмаларнинг физик – кимёвий таҳлили

